



ТОШКЕНТ ОҚШОМ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 139 (9.331) 1999 йил 29 ноябрь, душанба Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

КАРИМОВ Ислон Абдуғаниевич

Ислон Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли. Урта Осиё Политехника ва Тошкент Халқ ҳўжалиги институтларини тугатган. Мухандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларга эга. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводига бошлаган.

1961 йилдан 1966 йилгача В. П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлаган.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосарига бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И. Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986-1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлаган.

1990 йил 24 март кунини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август кунини И. Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижасида И. Каримовнинг президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

У оилали, икки нафар фарзанди, учта набираси бор. Рафиқаси Т. А. Каримова — иқтисодчи, илмий ходим.

И. Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқлараро демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тувеликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қарамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темурутдин билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден-медаллари билан ҳам мукофотланган.

И. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни вақтда у иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун тўққиз хорижий мамлакат университети ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиклигига сайланган.

Халқимиз истиклол йилларида эришилган салмоқли ютуқларни ҳақли равишда И. Каримов номи ва фаолияти билан боғлайди.

И. Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамосидир.

— Ўзбекистон мустақиллигининг асосини, мамлакатимизнинг истиклол дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби.

— демократик талаблар ва халқаро мезонларга тўла жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий муаллифи ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг кафолатидир;

— марказий ҳокимият ва унинг жойлардаги бўғинларини ислоҳ қилиш, давлат, жамият ва инсон муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган янги сиёсий-ижтимоий тизим тамойилларини ишлаб чиқди ва амалга оширди;

— халқимизнинг ўзинга хос хусусиятлари ҳамда илғор ҳаёт тарбияларини муҳасамалаштирган иқтисодий ислохотларнинг янги моделини ишлаб чиқди. Бу ривожланиш йўли иқтисодийнинг сиёсатдан устулиги, қонун устуворлиги, ўтиш даврида давлатнинг бошқарувчи роли, ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя каби машҳур беш тамойилни ўз ичига олади ва у дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган;

— Ўзбекистон давлатининг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларини дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир Куроли Қўчалар, Чегара ва Ички қўшинларни замонавий ислохотлар асосида ташкил этиш ишига бошчилик қилди;

— КПСС Марказий Комитети бошчилигидаги қўчалар Ўзбекистонда адолатсизлик ва таъқиқларни авҳ олдирган йилларда ўзбек номини ноҳақ таъхир ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг ор-номусини, миллий гурурини тиклашда фидойийлик намунасини кўрсатди;

— халқимиз маънавий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимизни, урф-одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни ҳаётга қайтаришни давлат сиёсати даражасига кўтарди;

— халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, ўзбек номини бутун дунёга тараннум этишда буик хизмат қилди;

— одамларнинг тафаккурини ўзгартириш, уларнинг онгида янги миллий ғоя, миллий мафкура асосларини шакллантириш ва мустақамлаш ишига раҳнамоллик қилди;

— юртимизда тинчлик-оқошайликни, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тувелик ва ҳамжиҳатликни қорор топтириш, уни сақлаш ҳамда мустақамлашга бекиёс ҳисса қўлди;

— моҳият-эътиборига қўра, мутлақо янги таълим-тарбия тизими — Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини яратиш ва уни амалга оширишда бевосита етакчи бўлиб келмоқда;

— маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

— маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш тизими сифатида уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ташаббускори бўлди;

— юртимизнинг турар жойларида янги қурилишлар, шу жумладан, улуғ аждодларимизнинг қадимжоларини обод қилиш, иқтисодимизнинг салоҳиятини оширишда катта ўрин тутган йирик-йирик қорхоналарни бунёд этишда, қўпна шаҳар ва қишлоқларимиз, аввалмабур, пойтахтимиз Тошкентнинг шаҳар-қиёфасининг тубдан ўзгаришида бевосита раҳбарлик қилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Ислон Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратиш, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқлол йўлида қўп миллатли халқимизни бирлаштириб, уни улғ мақсадлар сари бошлаб бормоқда.

ЖАЛОЛОВ Абдулҳафиз Мараҳимович

Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов 1947 йилнинг 1 июнида Наманган шаҳрида ўқитувчи оиласида туғилган. 1964 йилда Наманган вилояти Янгиқўрган тумани Бирлашкан қишлоқдаги 14-сон урта мактабни, 1969 йилда эса Тошкент Давлат университетини фалсафа иқтисослиги бўйича татомлаган. Файласуф. 1976 йили «Гегель ва Шарк халқлари фалсафий фикри» мавзусида номзодлик, 1992 йили «Шахнинг ҳар томонлама ривожланиши ва жамиятни инсонийлаштириш муаммолари» мавзусида докторлик диссертацияларини ёқлаган. Фалсафа фанлари доктори.

1971 йилдан эътиборан (Чегара қўшинлари сафида, Термиз шаҳар заставаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ҳарбий хизматни ўтагандан сўнг) улуғзқиз равишида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланди. ТошДУ фалсафа кафедраси ўқитувчиси, Ўзр ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ходими, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти фалсафа кафедраси мудирини, ТошДУ қошидаги олий ўқув юрталари ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти фалсафа кафедраси доценти, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Жаҳон муаммолари институти бўлим мудирини вазифаларида ишлаган. 1993 йилдан Ўзр ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори.

Фалсафа тарихи, ижтимоий фалсафа ва себастушонлик йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Мазкур соҳаларга оид 250 дан зиёд chop этилган ишлар муаллифи. Улар орасида: «Инсон омили: фалсафа, мафкура, сиёсат» (Т.: 1991, рус тилида); «Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура» (Т.: 1994); «Мустақиллик масъулияти» (Т.: 1996); «Истиклол уфқлари» (Т.: 1998) номи монографиялар бор. Шунингдек, «Урта Осиё халқлари фалсафий мероси ва ғоялар кураши» (Т.: 1988, рус тилида) мавзусидаги жамоавий монография ҳамда «Фалсафа» (Т.: 1999) ўқув қўлланмаси ҳаммуаллифи. Илмий ишлари АҚШ, Буюк Британия, Белорусь, Россия, Хиндистон, Қирғизистон, Эстония мамлакатларида chop этилган. Х. Халқаро гегелчилар конгресси (Москва, 1974), XX Бутунжапон фалсафа конгресси (АҚШ, Бостон, 1998) ва, шунингдек, Тошкент, Дехли, Москва, Минск, Киев, Таллин, Техрон, Волгоград, Екатеринбург каби шаҳарларда ўтказилган илмий анжуманлар иштирокчиси. Инсон, жамият, ҳалқ, меҳнат, мулк, бозор иқтисодиёти, манфаат, маънавият, фалсафа, арқинлик, ахлоқ, маданият, мустақиллик, сиёсат, мафкура каби қўллаб, ҳаммша мунозараталаб, «абдий» тушушча, муаммоларга янгиҳа талкин беришга ҳаракат қилган. Унинг бевосита раҳбарлигида қатор докторлик ва номзодлик диссертациялари муваффақиятли ёқилган.

1993—1996 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети қошидаги фалсафа фанлари бўйича докторлик ҳимоясига иқтисослаштирилган кенгаш аъзоси бўлган. 1996 йилдан Ўзбекистон Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг себастушонлик ҳамда ҳуқуқшунослик фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига иқтисослашган кенгаш аъзоси, худди шу йил

Ўзр ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича докторлик илмий даражаси учун диссертациялар ҳимоясига иқтисослашган кенгаш раиси.

1986 йилдан Ўзбекистон Коммунистик партияси марказий аппаратида ишга ўтган. Лектор, лекторлар гуруҳи раҳбари, мафкура бўлими мудирини лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши бўлим мудирини, Марказий Кенгаш иккинчи (1993), сўнг биринчи котиби (1994), 1999 йилнинг октябри ойда Ўз ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб қайта сайланган.

1994 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси биринчи чакирик Олий Мажлиси депутатлигига сайланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши аъзоси, Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат парламентидаги фракцияси раиси (1995).

Оилали, 4 та фарзанди бор. Кейинги йилларида: — Ўзр ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти мамлакат маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш, юксак малакали илмий кадрлар тайёрловчи ҳамда илм-фан ютуқларини тарғиб қилувчи нуфузли даргоҳга айланди.

— Ўзбекистон мустақиллигининг маънавий негизларини мустақамлашда фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг самарали иштирокчини таъминлашга қаратилган тасриҳчан илмий-ташқилий чоралар амалга оширилмоқда;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафлари ўсиши, унинг ўзи ғоявий-сиёсий жиҳатдан улғайди, ташқилий томондан мустақамлашди, мамлакатнинг етакчи сиёсий қулаҳларидан бирига айланди;

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат Парламенти — Олий Мажлисида энг йирик фракцияга, давлат ҳокимияти маҳаллий вақиллик идораларининг ақсарияти таркибига ўз партия депутатлари гуруҳига эга бўлиб, улар халқимиз ҳаётига оид муҳим қонунлар, қорорларни қабул қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш, минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашга қаратилган дастурларни рўбга чикариш саъй-ҳаракатларини амалга оширмоқдалар;


— қатор мамлакатларнинг, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқаларнинг сиёсий таърибаси уларга қилинган ташриҳ орқали ўрганилди;

— Ўзбекистон ХДПнинг халқаро обрўсини оширишга хорижий мамлакатлар партия вақилларининг ташриҳ буюриши, чет эл делегацияларини, Ўзбекистондаги элчиликларни, халқаро ташқилотлар раҳбарларини, масъул ходимларини Марказий Кенгаш, партия қўйи тузилмаларида қабул қилиш орқали эришилди;

— буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ХДПни мамлакатда рўбга чикарилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирок этишининг, уни юртимизда тинчлик, барқарорлик ҳамда тувеликни сақлашнинг муҳим сиёсий омили бўлишининг мустақам заминини бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда;

— шулар боис Ўзбекистон ХДП халқимиз барча қатламлари, хусусан, оқдий меҳнатшар, фуқаро эътиёжларининг чинакам ифодачиси ва уларни қондириш учун жиҳдий курашга тайёр сиёсий куч ақалигини барча ватандошларимиз тобора аққол англамоқдалар.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини



ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИМИЗ КАФОЛАТЛАРИ

«Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини-ўзи қамол топтиришга монелик қилмайди, ақсича ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг

ҳуқуқ ва эркинликлари қамсатилишига йўл қўйилмайди, яъни эркинлик ва қонунга бўйсунинг бир вақтининг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдирди ва бир-бирини тақозо этади. Бошқача айтганда давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро ҳуқуқларини қамсатмаслиги лозим. Шунинг баробарида барча одамлар қонунларга сўзсиз риоя қилишлари шарт», деб айтиб ўтган эди Президентимиз Ислон Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўёғасида: ҳаёфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига.

Дарҳақиқат, бугунги фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига эътибор бериш, уларни ҳар томонлама кафолатлаш бугунги куннинг муҳим омилидир.

Фуқароларнинг конституциявий эркинликлари ва ҳуқуқларидан яна бири муаллифлик ва иختирчилик ҳуқуқларидир. Конституциянинг 42-моддасида «ҳар қимга илмий ва техникавий ихид эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади» дейилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 149-моддасига қўра «тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилганга ёки эълон қилнганга қадар муаллифнинг розилигисиз ошқор қилиш» оқибатида жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Бундан ташқари, «1996 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги» қонун ҳам бунга мисолдир.

Шундай қилиб, бугунги фуқаролик жамиятини ривожлантиришда, қонунларимизнинг аниқ мазмунан бойлиги ва амалда тўғри қўлланлиги ва Асосий Қонунимиз бўлиши Конституцияда инсоннинг барча ҳуқуқлар ва эркинликлар билан таъминланиши, бу ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро битимда, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битим қондаларига тўғри келиши қонунларимизда назарда тутилган.

Бугунги кунда бундай қонунларга риоя этиш, уларни амалда қўллаш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир.

Фарҳод ТОҲИРОВ, Тошкент Давлат юридик институти Жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти. Саломат НИЁЗОВА, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 6 кун қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 41 кун қолди.



Чилонзор туманидаги 17-Дўмбробод сайлов округида сайловларга қизгин тарадуд кўрилмоқда. СУРАТДА: комиссия котиби Барно Каримова ёш сайловчилар билан сўхбат ўтказмоқда. Рустам Шарипов олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида воёга етмаганлар билан ишлаш шаҳар комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлиса сўзга чиққан Миробод, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туманлари ҳокимларининг ўринбосарлари, шаҳар Ички ишлар бош қармаси, прокуратураси, Халқ таълими бош бошқармаси, касб-хунар таълими бош қармаси вақиллари воёга етмаганлар билан ишлаш борасидаги муаммолар ҳақида, улар ўртасида олиб борилиши зарур бўлган профилактик тадбирлар ҳақида аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди ва бу соҳадagi ишлар доимо диққат марказида бўлиши лозимлигини таъкидлади. Воёга етмаганлар билан ишлашни тубдан ўзгартириш керак, юзага келаётган аҳволни ҳал этиш учун изчил саъй-ҳаракатлар қилиш даркор, ички ишлар идоралари, маҳалла, мактаб ва ўрта махсус ўқув муассасалари ўртасида узвий ва мунтазам алоқа бўлиши даркор, деб ўқтирилди мажлисда. Мажлисини Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрнazarов олиб борди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАЊБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЊНТИ АҲБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизга расмий ташриҳ билан келган Италия Республикаси мудофаа вазирини Карло Сконьяммилё Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов учун учрашди. Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Австрия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Бенита Ферроро-Вальднер бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ташриҳ буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамда «Марказий Осиё оммавий ахборот воситаларида аёллар» марказининг ўзбек филиали билан ҳамкорликдаги «Диспут-клуб» йиғилиши бўлиб ўтди. Тошкентда «Қамолот» жамағатиси ташаббуси билан Давлат фан ва техника қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланган «Ешлар муаммолари ва уларнинг ечимини» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамасида қорқонларнинг банкорт ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлди. Жорий йилнинг 3 декабрида «Меҳржон — 99» хайрия марафони бўлиб ўтди. Халқаро ногиронлар кўнига бағишланган бу йиғилиш пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида ўтказилди. Тошкент Давлат консерваториясида немис санъатига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тошкент Давлат университетига 94 нафар иқтидорли талабага «ТошДУ стипендияси»ни топшириш маросими бўлиб ўтди. 3-5 декабрь кунлари Кўкун шаҳрида спортнинг қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Унда республикаимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан келган спортчи ўсимир ва ёшлар иштирок этидилар.

ЖАҲОНДА

Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияси Япония Ташқи ишлар вазирини тақдимиға биноан Японияга ташриҳ буюрди. Бугун Фаластин раҳбари Е. Арофат Москвага ташриҳ билан келди. У бу ерда Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин, Бош вазир В. Путин ва Россиянинг бошқа раҳбарлари билан учрашди. 6-8 декабрь кунлари Украина Президенти Леонид Кучманинг Москва, Париж ва Вашингтонга сафари бошланди. Бугун Малайзияда умумий сайловлар бўлиб ўтди. Эфиопияда Африка мамлакатлари аёлларининг халқаро анжумани бошланди. Унда қитъанинг 53 мамлакатидан келган 1500 дан ортиқ вақил иштирок этади. Покистоннинг собиқ ҳукумат бошлиғи Навоз Шарифни тиклаш мақсадига ҳамда мамлакатда ҳозир бержан ҳарбий тўнтаришга қарши содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида 8 нафар одам ҳалок бўлган, 15 киши яраланган. 2000 йилда Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Европа Иттифоқининг Брюсселдаги қароргоҳига расмий ташриҳи қилмоқда. Перу ҳукумати мамлакатнинг бешта вилоятида фавқулодда ҳолат муддатини яна 60 кунга узайтирди. Мудофаа вазирлигининг маълумотиға қўра, бу вилоятларда террорчи гуруҳлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Россия Президенти сайлови давлат раҳбари сайлови тўғрисидаги қонунга биноан 2000 йил 4 июнда бўлиб ўтади. Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков билан учрашув олдидан шу фикрни эълон қилди. БМТ томонидан иқтисодий жазо чоралари жорий қилинганга қарамай, «Толбон» ҳаракати халқаро террорчи Усама бин Ладенни одил судга топширмоқчи эмас, Япониянинг «Иомиури» газетасига интервю берад экан, толиблар раҳбари Мулла Мухаммад Умар шундай деди. Хитой давлати «Шеньчжоу» деб номланган ўзининг биринчи космик кемасини фазога учуришга муваффақ бўлди. Американинг «Ксерос» компанияси томонидан яратилган қурилма гапириш ва овоз чиқариб китоб ўқиш қобилиятига эга. Чўнтакда оқиб юриш мумкин бўлган бу иччам қурилма кўзи оқизлар учун муволабланган.



Муҳофизат

ЁШЛАР ВА ЭКОЛОГИЯ

Планетамида тез суръатлар билан техника таракқиёти ва аҳолининг ўсиб бориши табиат захираларидан оқилона, унумли фойдаланишни тақозо этади. Аммо кейинги 30 йил давомида табиат манбаларидан ўта тезкорлик ва пала-партиш фойдаланиш таракқиётимида бир қатор салбий ҳолатларни келтириб чиқарди.

Бундай ноҳус холни республикамиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, кўриқ ва бўз ерларни пала-партиш ўзлаштириш оқибатида Аму ва Сирдарё ўзани тубдан ўзгарди. Кўпчилик суғориладиган ерларда шўрлангиш кучайди. Икки азиям дарё суви бир неча йиллаб Орёл денгизига қуйилмай кўйди. Оқибатда денгиз сатҳи кескин псайиб, бир қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарди.

Хозир Орёл муаммоси ҳамнинг диққат-марказида бўлиб, бу масалани ижобий ҳал этиш йўлида бир қатор тадбирлар белгиланмоқда. Жумладан, табиати муҳофизат қилиш бўйича давлат тизими ташкил этилди. Бу тизим эндиликда республикамизнинг барча ҳудудларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, республикамиз мустақил давлат статусига эга бўлгандан буён ўтган давр ичида табиати муҳофизат қилиш ва атроф-муҳит химиясига бағишланган бир неча қонунлар қабул қилинганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Шу ўринда биз яна бир нарсасга алоҳида эътибор беришимиз керак. У ҳам бўлса планетамида мавжуд экологик мувозанатни сақлаб туриш ҳамда содир бўлаётган баъзи экологик ҳавфларнинг олдини олиш учун биринчи навбатда кишиларимиз экологик дунёкарашини тубдан ўзгартириши тўғри келади. Бунинг учун аввало ёшларни она табиатга меҳрибонлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгида атроф-муҳит озодаллигига нисбатан ижобий қарашларни шакллантириш, билим савияси, маданияти, маънавиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Хозир бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Хусусан, болалар боғчалари, мактаб, ўрта махсус билим юрталари, олий таълим системасида банд бўлган ёшлар ўртасида кенг тушуштириш ишлари олиб борилмоқда. Албатта, бу хайрли ишда табиати муҳофизат қилиш органлари бош-қошлик вазифасини бажаришмоқда. Улар белгиланган режа асосида тез-тез мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўрта махсус билим юрталарида бўлишиб, бу ерда табиат муҳофизатига бағишланган қатор анжуманларни ўтказишмоқда. Ўз навбатида бундай ижобий мулоқотлар самарасини бермоқда.

Албатта, қўлга киритилган яхши натижалар билан чегараланиб қолмаслик керак. Бунинг учун табиатни муҳофизат қилиш кўмитаси республика ёшларининг Биоэкология ўқув-услубий мажмуаси

билан биргаликда алоҳида тадбирлар режасини ҳам тузиб қўйиши. Бир қатор режалар эса амалда ўз ифодасини топди. Масалан, яқинда шахримизнинг Мирзо Улуғбек боғида ўтказилган «Табиат — кеча, бугун, эртага» деб номланган анжумани мисол келтиришимиз мумкин. Шунингдек, шу йилнинг 5 ва 3 июнь кунлари республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги экологик йўналишлар бўйича мактабларнинг энг қобилиятли ўқувчилари билан ҳамкорликда катта программада экологик кўрик-танлов ўтказилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Айниқса, шаҳар «Экосан» жамғармаси билан биргаликда ташкил этилган «Ойла ва экология болалар нигоҳида» деган мавзудаги кўрик-танлов диққатга сазовор бўлди.



завор бўлди. Унинг голиблариغا кўндалмақ совғалар, faxрий ёрликлар топширилди.

Аёллар йилга бағишлаб Шайхонтоҳур туманининг 81-мактабида ўтказилган «Аёл — ҳаётнинг нодир неъматин» мавзудаги давра суҳбати, Мирзо Улуғбек туманига қарашли 493-болалар боғчасида олиб борилган «Табиат азият чекамсин» мавзудаги кўргазмали семинарлар қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Шу каби тадбирлар маҳаллаларда, қоржоналарда ҳам тез-тез ўтказилиб турилди.

Кўндалмақ шундаки, ёшларни она табиатга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганлиги, юзлаб ўқувчи-талабалар Биоэкология услубий марказининг тўғрақларида қатнашадиганлиги келажак авлодимизни атроф-муҳитни севишга ва уни муҳофизат қилишга нисбатан қизиқишдан далолат беради.

Эрмуин ЧУПОНОВ, Тошкент шаҳар табиатни муҳофизат қилиш кўмитаси илмий-техника таракқиёти ва экологик тарғибот бўлими бошлиғи.

Атроф-муҳитни соғломлаштириш, унинг мусоффолигини асраш борасида сўз бора-бор экан, аввало бизни ўраб турган сўзлаш табиатга ҳурмат билан қараш лозим бўлади.

Шуни назарда тутиб «Оқшом» газетасининг олдинги «Табиат ва инсон» саҳифасида Юнусобод туманига қарашли Амир Темиров кўчасида оқиб ўтувчи «Бўзсув» каналининг икки томон қирғоқлари ифлослиги тўғрисида танқидий мақола эълон қилинган эди. Хокимлик мақоладан тегишли хулоса чиқариб, бу борада қатор тадбирлар режасини иш-

лаб чиқди. Хусусан, бу хулоса Тошкент шаҳар ҳокимининг махсус қарори ҳам эълон қилинди. Хозирда мана шу юқорида қайд этилган кўрсатмаларга асосан, «Бўзсув» канали яқинида жойлашган 2-сонли хўжалик ҳисобидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси, туман коммунал хизматлардан фойдаланиш бошқармасига қарашли автокорхона, ободонлаштириш бошқармаси биноси, Фиёс Умаров маҳалласидаги оталар чойхонаси ва яқка тар-

Қатра ХАЗОН ФАСЛИ

Куз ҳам секин-аста бизни тарқатмоқда. Эрта-инди бутун атроф тушкунлик оғушида қолгандек бўлади. Яп-яланғоч дарахтларга қараб уларнинг шу қадар ўткинчилигини ҳис эта болайсиз. Ҳудди табиат бутунлай интиҳога юз тутгандек туюлади сизга.

Йўқ, янглишманг. Ҳали яна бахор қайтади. Қайтганда ҳам, янглишманг ила намоен бўлади. Сиз эса ҳаёт дарёсида сузиб кетаверасиз. Мухими, тўхтаб қолмаслик. Ҳазонларда, ўзгаришга, тўғрилашга интилинг. Шўкр қилинг. Яратгандан умр тиланг.

Зеро, бугун оёғингиз остида кўрпа бўлиб ётган ҳазонлар ўрнига келиб дарахтларда яна янги-янги япроқлар қиқиради. Қўкларни кутган одамга қишнинг завқи ўзгача бўлади.

Фаррухбек ОЛИМ, ТошДу журналистика факультети талабаси.



Ўлкамида куз.

Туманларда

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

донлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида шахримизда бошланган «Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлари» ўтказиш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан мавсумий ишларни жадал суръатда олиб бормоқдалар. Хозиргача бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, кўчаларни тартибга келтириш, хилбон ва йўлчаларни ҳазонлардан тозалаш қўндалмақда олиб бормоқдалар. Биргина шу йилнинг ўзида бу ерда мингдан ортук тул мевали ва манзарали нўноллар экилди. Ҳозиргача 470 километрдан иборат бўлган бетон ариқлар тозаланди.

Шу кунларда бошқарма ишчи ва хизматчилари пойтахтимиз ҳудудини ободонлаштириш мақсадида шахримизда бошланган «Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлари» ўтказиш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан мавсумий ишларни жадал суръатда олиб бормоқдалар. Хозиргача бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, кўчаларни тартибга келтириш, хилбон ва йўлчаларни ҳазонлардан тозалаш қўндалмақда олиб бормоқдалар. Биргина шу йилнинг ўзида бу ерда мингдан ортук тул мевали ва манзарали нўноллар экилди. Ҳозиргача 470 километрдан иборат бўлган бетон ариқлар тозаланди.

Шу кунларда бошқарма ишчи ва хизматчилари пойтахтимиз ҳудудини ободонлаштириш мақсадида шахримизда бошланган «Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва кузги кўчат экиш ойлари» ўтказиш тўғрисидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан мавсумий ишларни жадал суръатда олиб бормоқдалар. Хозиргача бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, кўчаларни тартибга келтириш, хилбон ва йўлчаларни ҳазонлардан тозалаш қўндалмақда олиб бормоқдалар. Биргина шу йилнинг ўзида бу ерда мингдан ортук тул мевали ва манзарали нўноллар экилди. Ҳозиргача 470 километрдан иборат бўлган бетон ариқлар тозаланди.

махсус компастер чуқури қаврланган бўлиб, улардан бири минг квадрат метрни, иккинчиси эса 5 минг квадрат метрни ташкил этади. Шу йўл билан ҳазонларни эқиб юбориш каби ноҳус ҳолатларга чек қўйилмоқда, атмосферага захарли газларни чиқариш ҳоллари рўй бермаёпти.

Афсуски, шундай ижобий ишлар билан бир қаторда туманда баъзи бир камчиликлар ҳам мавжуд, бундан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, туманга қарашли коммунал хизматлардан фойдаланиш бошқармасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Ушбу бошқарма иштирокида олтига уй-жойларни таъмирлаш, фойдаланиш участкаси мавжуд. Текширувлар шуни кўрсатдики, участка бошлиқлари ободонлаштириш ишларига етарли масъулият билан ёндашмаганлар. Шу ту-



Чимён тоғлари чорлайди.

файли улар нафақат табиий муҳитни, балки инсонларнинг ҳам маълум даражада азият чекишларига йўл қўймоқдалар. Хусусан, бошқармага қарашли кўп қаватли уйлар атрофида белгиланмаган жойларга ахлат ташлаш ҳолларига ҳудуд келинди. Айниқса, бу нарсани 11, 12, 13, 14, 15-мавзелада жойлашган уйлар атрофида кескин тус олган.

Текширувда аниқланган камчиликлар бошқарма эътиборига ҳавола этилди. Уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Энди ҳамма гап бундан тўғри хулоса чиқариб, келгусида йўл қўйилган ноҳус ҳолатларнинг олдини олишда қолган. Уйлаймизки, туман коммунал хизматлардан фойдаланиш бошқармасида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Ушбу бошқарма иштирокида олтига уй-жойларни таъмирлаш, фойдаланиш участкаси мавжуд. Текширувлар шуни кўрсатдики, участка бошлиқлари ободонлаштириш ишларига етарли масъулият билан ёндашмаганлар. Шу ту-

жарима ундириб олинди. Тумандаги 2506-автокорхона, «Узэкспомарказ», «Узқишлоқмаш» ҳиссадорлик жамияти, ядро физикаси институти, «Махсустрас»нинг 4-автокорхоналарида сувдан фойдаланиш ҳоллари қонун даражасида ташкил этилмаган.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

Собир МАХАМАТОВ, туман давлат нозири.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

Собир МАХАМАТОВ, туман давлат нозири.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

«Бўзсув» қирғоғи бўйлаб жойлашган хонадонлар ҳам ўз навбатида сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуш қўшиб келмоқдалар. Кўриниб турибдики жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолатларга чек қўйиб, аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини кенг миқёсда олиб боришлари лозим бўлади.

Собир МАХАМАТОВ, туман давлат нозири.

Шарқ гурдонлари

ОЗОЗ ЎЛГАНИШ ДОМО БУЛҲ...

ХИКОЯТ. Одоб ҳазинасини юрагига жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай бир неча вақт сарсон-саргардонликда юрди. Кунлардан бир кун Анушервоннинг ходимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги қийинчилик ва мақру хийлаларнинг азобиغا қанчалик сабр қилмасин бирор фойда кўрмади. Қоронғу тунларини эса оғир хаёллар билан ўтказди. Байт:

Кўннинг жамолини кўрай деганда, Тунда сабр қилмоқ ёғиз чораси. Гаваҳ қадирувчи меҳнатдан кўрсак, Қўласа чиқмағай дурнинг сараси!

Бир кун Анушервон мажлиси уюштирди. Сўнг у ўз мулозимларидан, «Энг юмшоқ нарсани нима?» — деб сўради. Биров: «Шоҳи», — деб жавоб берди. Биров эса: «Товус патлари», — деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нима нарсани бўлиши мумкин», — деди. Шу пайт халиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач, деди: «Энг юмшоқ нарсани тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат қандай овқат?». Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва тандани иллат қўзғатмайдиган овқат энг яхши овқатдир», — деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси шароб?». Йигит: «Ақли зое қилмайдиган ва касаллик келтирмайдиган», — деб жавоб берди. Яна сўради: «Гулларнинг ичида энг ширин хидис қайси?». Йигит: «Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд!» — деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳақимлари орасига олди. Байт:

Дона почорликда қолса ҳам бир кун, Умиди ҳосилдан кўрсатар нишон, Мушкни кўр либосе бекитилса ҳам, Ҳид сочиб ўзини қилур намоён.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ. Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинадилар: Биринчиси — ҳануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик губори билан бўлмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин. Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эса эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбеҳлар бериб борилса албатта яхши йўлга кириб кетади. Учтинчиси — оилада ботил хаёл ва фосид фикрлар билан ўсиб, улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам уни ўзи-ча яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш — тирноқ билан қудуқ қазиш ёки хали қизиқ чўққа айланмаган темирни болгалаш билан баробар.

Доналар яхши ёки ёмон хулқни бўлиши оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ҳақи сув тусини эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб боради.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ. Билимдонлик ажаб яхши матодир, Бу бойликсиз қолмоқ катта хатодир! Уқиб ўрганган ҳар битта хунар, Хунармандага бир кун фойда келтирар! Сабр билан бандан кутлар киши, Сабр қалит эрур бекилса иши. Сабр қалмоқ била тах бўлса қомим, Сабр қабаси де сен менинг номим!

Низомий ГАНЖАВИЙ. Сиринг ҳамон ичингда экан у сенинг асирингдир, ташқарига чиқса сен унга асир бўласан. Ўттиз икки тиш орасидан чиқишга муваффақ бўлган сир ўттиз икки маҳаллага тарқалади. Тинч яшашни истасанг пасткаш одам билан дошманчилик қилма. Уйкуң кетиш жонни бир нафас хатарга топширишидир. Чунки уйку ўлим элчиси. Ҳаёт энг яхши мураббийдир. Одобсизлик ота-она уйини ҳароб қилади. Илмсиз инсон — мевасиз дарахт. Нодонга илм ўргатмоқ умрни зое кетказмоқдир. Илм бир ҳазина бўлса, бу ҳазина қалити савол! Илм келинчакка ўхшайди, у хилват ва пинҳонликни ёқтиради. Илм — инсон зийнати. Илм ва одоб — тағи йўқ ҳазина. Кимки унга эга бўлса, қадру қиммати баланд бўлади. Фазилатга фақат илму шарафи бор одам лойик. Билмаган айб эмас, билмаганини бўйнига олмаслик айб. Одамлар сендан ўрганмаса сен одамлардан ўрган. Илм шундай нарсани, бутун куч сафр этилмаса қўлга кирмайди. Хунарни қадрламаган оч қолади. Ҳар ким анжир сотиб, қорни бўлса тўқ, Унга шу хунардан устун хунар йўқ. Инсон хунаридан хурмат кўради. Дунёда не экса шуни ўради.

«Аталар сўзлари»дан. Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Показалик

ОҚАР СУВЛАР МУСАФФО БЎЛСИН

ҳавзаларини муҳофизат қилишга катта эътибор берилаётганига қарамадан, «Бўзсув» қирғоғида жойлашган бир қатор ташкилот, қорхоналар томонидан сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳоллари рўй бермоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида тумандаги 11 қорхона ва ташкилотларнинг манфаатдор шахсларига канал қирғоқларини ифлослантиришга хисса қўшган жузъий камчиликларга ҳам дуч келдилар. Оқар сувлардан фойдаланиш, очиқ сув

Сирли олам

ГАРОЙИБ БУРЧАК


эса кўрқинчи овоз чиқарадилар, тинч яшайдиган ҳайвонлар эса анча жонсарақ ҳолатда бўладилар, деб ҳисоблайдилар. Лекин ҳайвонот бўмида яшовчи 32 турдаги 221 та майда жониворлар Токио районида бўлган қўчли ер қимирлаш олдидан ўз харақатларини сира ўзгартирмаганлар. Фақат бир донка кичкинагина балиқча сув ҳавзаси остида юзюрга сузиб чиққан. Мутахассислар бир неча бор текшириб, жониворларда ҳеч қандай ўзгариш сезмаган. Шундан сўнг улар тугқунликда яшаб, ўлжа—овқат ейдиган ва ҳеч қандай ташқи хатарни сезмаган жонзотлар ўзларининг ёввойи авлодларидан бор бўлган инстинктдан маҳрум бўлишлари мумкин, деб тахмин қилмоқдалар.

Фойдали

ДАРАХТ

Ганада ва Ғарбий Африканинг турли ўлкаларида ўсадиган ёғли дароҳини ҳақиқий озиқ-овқат саноци, кимё саноати учун ҳам ашё деб бежиз айтишмайди. Унинг мевалари ҳам ҳолида овқатга шайлашади, уруғидан қилмабтоҳо ўсимлик қўли олинади, қандолатчиликда қўлланилади.

Ёғли дароҳнинг саноатда қўлланиши учун бекиёс имко-



Ёғли дароҳнинг саноатда қўлланиши учун бекиёс имко-

